



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 12 ноябрь, № 244 (8306)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзuidaги йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоёв, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Венгрия Бош вазири

Виктор Орбан иштирок этди. Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, ушбу кўп томонлама тўзлима Котибияти раҳбарлари қатнашди. Йиғилиш кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари

сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро боғлиқликни кучайтириш, туризм, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Худудлар ўртасида фан ва таълим, технологиялар ва инновациялар борасидаги ҳам-

корликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида тинчлик ва дўстлик рамзи, фан ва маърифат маркази бўлмиш Самарқанд шаҳрини «Туркий цивилизация пойтахти» деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун саммит иштирокчилари-

га миннатдорлик билдирди. — Қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодларимиз томонидан бир-галликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси. Геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ортиб бораётган шароитда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, саяё-ҳаракатларни уйғунлаштириши ниҳоятда муҳимдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон ўз раислиги даврида «Туркий дунё нигоҳи — 2040» концепцияси ҳамда бугун қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегиясини самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортик аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган ташкилот нуфузини янада мустақамлаш, ва энг асосийси — тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратори.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

Қадрли юртдошлар! Хурматли касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари! Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ушбу халқчил ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилакларимни билдираман. Бугунги кунда мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият куриш йўлида олиб бораётган изчил ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касаба уюшма-

ларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз эътироф этамиз. Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш давлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболага бўлмайди. Ҳозирги вақтда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 34 мингдан ортик бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича 6 минг 700 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар фидокорона хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли шифокорлар! Муҳтарам соҳа фахрийлари! Аввало, халқимиз саломатлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли йўлда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман. Машҳур юнон табиби Гиппократнинг: «Тиббиёт ва донишмандлик ўзаро ҳамоҳанг ва чамбарчас боғлиқдир», деган сўзларида катта маъно бор. Дарҳақиқат, дунёдаги энг бебаҳо бойлик, тенгсиз неъмат ҳисобланган инсон соғлигини сақлаш, бемор кўнглида умид ва ишонч уйғотиб, уни соғлом ҳаётга қайтариш учун шифокор нафақат чуқур

билим ва тажриба соҳиби, айна пайтда юксак ақл-заковат ҳамда олижаноб қалб эгаси бўлиши даркор. Ўз ҳаётини ана шундай улуғ ва савобли ишга бағишлаб, одамларнинг дардига дармон бўлишни муқаддас бурч деб билган тиббиёт ходимларининг шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди, албатта. Азиз шифокор ва ҳамширалар! Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу йўналишда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганини сизларга яхши маълум.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари! Қадрли дўстлар! Сиз, азизларимни Буюк Ипак йўлининг чор-рахасида жойлашган, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган азим Самарқанд шаҳрида кўриб турганимдан гоят мамнунман. Янги ном олган Туркий давлатлар ташкилотининг саммитида иштирок этаётганингиз учун барчангизга алоҳида ташаккуримни изҳор этаман. Ўзбекистон заминига хуш келибсиз, азиз дўстлар! Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Авваламбор, жаҳон халқлари учун дўстлик ва тинчлик тимсоли, илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлган Самарқанд шаҳрини «Туркий цивилизация пойтахти» деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Маълумки, қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодларимиз томонидан бир-галликда яратилгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, уни чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга беэавол етказиш барчамиз учун энг асосий ва-зифадир. Бугунги саммитимизнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, кўп минг йиллик тарихимиз давомида туркий оиламиз мана шундай тўлиқ шаклда, янгиланган ташкилотимиз доирасида йиғилиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» шiori остида барчамиз биргаликда мутлақо янги юксалиш босқичига қадам қўймоқдамиз.

Хурматли ҳамкасблар! Йиғилиш кун тартибига кўп қирралли муносабатларимизнинг энг долзарб масалалари киритилган. Бугун кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, устувор йўналишларини атрофлича муҳокама этиб, муҳим қарорларни қабул қиламиз, деб ишонаман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, кун тартибига киритилган масалалар, концептуал ҳужжат ва дастурлар, энг муҳим ташаббусларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари руҳига уйғун ва ҳамохангдир.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Бугунги кунда барчамиз кескин геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан боғлиқ мураккаб синовларни бошимиздан кечирмоқдамиз. Шу сабабли ҳозирги таҳликали вазиятда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, саяё-ҳаракатларни уйғунлаштириши ниҳоятда муҳимдир.

Биз ҳар қандай қийинчиликларни дўстлик, ҳамкорлик ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш орқали енгиб ўтишга қодиримиз. Сўнгги бир йил давомида Ташкилотимизга Туркиянинг раислиги чоғида турли йўналишлар бўйича анча ишлар амалга оширилгани, ўзаро ҳамкорлигимиз янада фаоллашганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Ўзбекистон ҳам ўз раислиги даврида «Туркий дунё нигоҳи — 2040» концепцияси ҳамда бугун қабул қилинаётган «Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси»ни самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортик аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилотимиз нуфузини янада мустақамлаш ва энг асосийси — тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз

ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш ниятидаман.

Хурматли ҳамкасблар! Биз саммитга тайёргарлик кўриш жараёнида Ташкилотимиз фаолиятини чуқур таҳлил қилдик.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш учун бир-галликда салмоқли ишлар қилинганини эътироф этиш лозим. Шу билан бирга, ҳали катта са-лоҳият ва улкан имкониятларимиз тўлиқ ишга солилмаётгани ҳам айна ҳақиқатдир.

Аввало, ҳамкорлигимизнинг савдо-иқтисодий пойдеворини мустақамлашимиз мақсадга мувофиқ.

Мамлакатларимизнинг ўзаро товар айланмаси умумий ташқи савдомизнинг атиги 4 фоизини ташкил этади. Унинг қолгани эса учинчи давлатлар улушига тўғри келмоқда. Албатта, бундай ҳолат ҳеч биримизни қониқтирмайди.

Бундан ташқари, давлатларимиз орасида айрим импорт божхона тарифлари юқори бўлиб қолмоқда.

Бу стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун Ташкилотимиз доирасида «Янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди»ни барпо этиш ташаббусини илгари сурашимиз.

Ана шу режамизга эришиш учун Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунё етакчи бизнес вакилларини кенг жалб қилган ҳолда, ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форуми ўтказишни тақлиф этаман. Форум доирасида «давлат ва бизнес» форматидида қўшма тадбирлар, тадбиркорлар урдашувлари ва «давора суҳбат»лари, инновацион лойиҳалар тақдимотлари ва кўргазмаларни ўтказиш катта амалий натижа беради. Ушбу тадбирлар якунари бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қаратилган йиллик «йўл хариталари»ни қабул қилишимиз муҳим бўлади.

Бу ишларимиз, энг аввало, ўзаро савдонини кескин ошириш ва учинчи мамлакатлар бозорларида биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат уз-луксиз занжирларини яратиш, юқори техноло-гик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга қаратилди.

Шу ўринда биз қўшма инвестиция фондини ишга тушириш таклифини ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Кун тартибигада яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала — бу транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш.

Жумладан, биз транскаспий халқаро коридори ҳақида кўп гапираямиз, аммо сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак. Мисол учун, Ўзбекистон ушбу транспорт йўлағи орқали 10 фоиз ташқи савдо юklarини ташимокда.

Биз транспорт ва транзит салоҳиятимизни тўла ишга солиш учун нималар қилишимиз керак, қандай қўшимча чоралар кўриш керак, уларни қайси муддатда ва қимлар амалга оширади, деган саволларга жавоб топишимиз лозим.

Бу борада бугун қабул қилинаётган Дастур асосида транспорт вазирларимиз томонидан йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизмларини ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

Асосий эътиборни минтақамиздаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифларни жорий этиш ва замонавий транспорт инфратузилмасини яратишга қаратмоғимиз керак.

Шу ўринда Туркия ва Ўзбекистон ўртасида яқинда жорий этилган автотранспорт электрон рухсатномалари алмашиш тизими-га Ташкилотимиз давлатларини ҳам қўшилми-га қақирамиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустақамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, замонавий даволаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Абдунавлонова Насиба
Абдуқодиrowна — Тошкент вилояти
2-руҳий касаликлар шифохонасининг
аёллар бўлими мудир

Авезов Давлат Курбанбаевич —
Тиббиёт бош босқармасининг
1-марказий клиник шифохонаси
шошилич кардиология бўлими
мудир

(Давоми 3-бетда).

ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон раҳбари ташкилот фаолиятининг чуқур таҳлили асосида туркий мамлакатларнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини ишга солишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосларини мустаҳкамлаш мақсадада мувофиқ экани қайд этилди.

— Мамлакатларимизнинг ўзаро товар айланмаси умумий ташқи савдо-мизининг атиги 4 фоизини ташкил этади. Унинг қолгани эса учинчи давлатлар улушига тўғри келмоқда. Албатта, бундай ҳолат ҳеч биримизни қониктирмайди, — дея таъкидлади Президентимиз.

Бу стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун Ташкилот доирасида “Янги иқтисодий имкониятлар худуди”ни барпо этиш ташаббуси илгари сурилди.

ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотрафика қарши курашиш, жамоат ва кибер-хавфсизлиқни таъминлаш соҳаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматларимиз доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳамкорлиқни кучайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

— Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазият барчамизни албатта жиддий ташвишга солади. Бу мамлакатдаги мавжуд аҳолини ижобий томонга ўзгартириш масаласи ҳеч қачон назаримиздан четда қолмаслиги керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун Ўзбекистон Туркий маданият халқаро ташкилотига тўлақонли аъзо бўлди. Келгуси йилда эса ташкилотнинг 30 йиллигини нишонлаш доирасида Туркий халқлар маданияти фестивали ўтказилади.

Яқинда юртимизда ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан ибор

ҳамда Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг алоҳида ҳиссаси борлиги қайд этилди. Шу муносабат билан уларни “Туркий дунёнинг Олий ордени” билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Режеп Таййип Эрдоған ва Гурбангули Бердимухамедовга бу муқофотларни Президент Шавкат Мирзиёев топширди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидagi халқаро муқофот таъсис этилган. Унинг ilk соҳиби туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган буюк адиб ва жамоат арбоби, улуғ гуманист Чингиз Айтматов бўлди.

Бу муқофот Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга топширилди.

Режеп Таййип Эрдоған, Гурбангули Бердимухамедов ва Садир Жапаров муқофотлар учун миннатдорлик билдириб, Самарқанд саммити жуда са



Ушбу мақсадга эришиш учун давлатимиз раҳбари ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумини ўтказишни тақлиф этди. Форум доирасида “давлат ва бизнес” форматида қўшма тadbирлар, тadbиркорлар учрашувлари ва давра суҳбатлари, инновацион лойиҳалар тақдидотлари ва кўргазмаларни ўтказиш катта амалий натижа беради. Ушбу тadbирлар якунлари бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қаратилган йиллик “йўл хариталари” қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу чоралар, энг аввало, ўзаро савдони кескин ошириш ва учинчи мамлакатлар бозорларига биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат зўлуқсиз занжирларини яратиш, юқори технологик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга қаратилди.

Кун тартибидagi яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала — бу транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш.

— Биз Транскаспий халқаро коридори ҳақида кўп гапиряймиз, ammo сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак, — деди Ўзбекистон Президенти.

Транспорт вазирлари асосий эътиборни минтақамиздаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифларни жорий этиш ва замонавий транспорт инфратузилмасини яратишга қаратган ҳолда йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизmlарини ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Бу йил Тошкентда ўтказилган Биринчи Туркий агрофорум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида нихоятда катта салоҳият борлигини яққол кўрсатгани таъкидланди.

— Ташкилотимизнинг нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бор, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Шу мақсадда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш самарали тизимини яратиш бўйича ташкилот доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш, Туркий агрофорумини мунтазам ўтказиб бориш ва унинг иккинчи анжуманида “ақили” қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасини ташкил этиш лозим.

Президентимиз ёш авлодни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган хайрли ишлар изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Келгуси йили юртимизда Туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини ўтказиш тақлиф этилди. Унинг доирасида инновация ва таълим вазирлари, олийгоҳлар ректорлари ва ёш етакчилар, иқтидорли ўғил-қизларимиз, ташкилотимиз оқсқолларининг кенг қамровли учрашувларини ташкил этиш кўзда тутилган.

— Бу ишларимизга тизимли тус бериш ва натижадорлиқни таъминлаш мақсадида Ташкилот Бош қотибнинг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш айни муддао бўлар эди, — дея таъкиф билдирди мамлакатимиз етакчиси.

Яна бир устувор йўналиш — минтақамизда хавфсизлиқни ишончли таъминлаш. Терроризм, экстремизм,

рат 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами ўзбек тилида нашр қилинди.

— Ушбу бебаҳо маънавий хазинани барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсак, қардош элларимизни, авваламбор, ёш авлодларимизни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратган бўлар эдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш ва ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишлатиш мақсадида бу тузилмада институционал ишлoтлар ўтказишни тақлиф этди.

Устувор йўналишлар бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш тақлифи билдирилди.

— Уларнинг фаолиятига эксперт ва олимлар, жамоатчилик ва хусусий сектор вакилларининг фаол жалб этилиши катта самара бериши шубҳасиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундан ташқари, Котибятнинг ўрни ва таъсирини ошириш учун келгуси саммитда унинг янги тузилмасини тасдиқлаш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтиришга ташкилотнинг Оқсқоллар кенгашини жалб этиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

— Туркий дунёимизнинг хавас қилса арзийдиган буюқ тарихи, улуғ аждодлари ва беқиёс бойликлари бор. Ва мен ишонаман, туркий дунёни буюқ келажак кутмоқда. Бу келажакни, ҳеч шубҳасиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз. Қўшна Самарқанд шаҳридаги саммитимиз эса туркий дунё цивилизациясининг замонавий тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб беради, — деди Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида.

Йиғилиш натижалари бўйича ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти Бош қотиби лавозимига Кубанибек Омуралиев номзоди тасдиқланди.

Шавкат Мирзиёев тақлифига кўра, ташкилот доирасида 2023 йил Туркий цивилизациянинг юксалиш йили, деб номланди.

Туркия Республикасининг Туркий давлатлар ташкилотига кейинги бир йилдаги раислиги якунига етди ва бу вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Қозғоғистон томонининг тақлифига кўра, ташкилотнинг навбатдаги саммити 2023 йилда Қозғоғистонда ўтказилади.

Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши якунлангач, ташкилот томонидан таъсис этилган муқофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилиш якунларига қисқача тўхталиб, унда жуда муҳим қарор ва келишувларга эришилганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклиқни мустаҳкамлашда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған

марали, халқларимиз учун манфаатли бўлганини таъкидлади.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида яна бир хайрли ишга қўл урилди — барча иштирокчи мамлакатларда дархат экиш маросими бўлди.

Ташкилотда бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлган экология масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, табииати асраш бўйича амалий чоралар қўриломоқда. Хусусан, Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Яшил макон” дастури амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Венгрияда ҳам бор.

Самарқанд бу эзгу ҳаракатларни бирлаштирди. Саммитнинг асосий тadbирларидан кейин туркий давлатлар етакчилари Регистон майдонига ташриф буюрди.

— Не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган муҳташам Регистон майдонида туриб, туркий дунё цивилизациясининг янги босқичига рамаъи маънода қадам қўймоқдамиз. Улуғ аждодларимизга хос бўлган азалий анъаналарни давом эттирган ҳолда, яна бир хайрли ташаббусни бошламоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дархат экиш миллатларимиз қадрияти, бугунги муштарак интилишлар тимиқоли экани таъкидланди.

— Бу ишларнинг барчаси туркий халқлар умумий тараққиёти ва фаровонлиги сари муштарак интилишларимизнинг яққол тимиқоли, десак, муболаға бўлмайдди. Биз бугун туркий дунё хурматли етакчиларининг ушбу таъбир-руқ заминга ўз қўллари билан кўчат экётганларини юксак қадрлаймиз. Зеро, бу ниҳоллар — ҳаёт дархатлари, дўстлик ва ўзаро ишонч, маънавият ва келажак бoғлари бўлиб қад ростлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўн Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркменистон ва Венгрия етакчилари мажмуа боғига кўчатлар экиди.

Маросим ушбу давлатлар пойтахтлари ва мамлакатимиз худудларида видеоалоқа орқали кўрсатилди. У ерларда ҳам минглаб кўчатлар экилди. Шу тариқа, дархатзорларни қўяйтириш ҳаракати халқаро миқёс касб этди.

Туркий давлатлар етакчилари Регистон майдонидан биргаликда суратга тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитига ташриф буюрган Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув этказди.

Учрашувда бугун бўлиб ўтган кўп томонлама йиғилишнинг асосий натижалари юзасидан фикр алмашилди.

Яқинда Ашхобод шаҳрига бўлган олий даражадаги ташрифда, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик йўналишида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити якунланди. Унда муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги алоқаларни янги босқичда давом эттириш, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йил Тошкентда ўтказилган Биринчи Туркий агрофорум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида нихоятда катта салоҳият-тимиз борлигини яққол кўрсатди.

Ташкилотимизнинг нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бор. Шу билан бирга, бу йўналишда амалий қадамларимизни янада кучайтиришимиз ва аниқ лойиҳалар асосида ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришимиз лозим.

Хусусан, қуйдагиларни тақлиф этаман.

Биринчидан, глобал ва ички бозорларимиз эҳтиёжлари, давлатларимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш самарали тизимини яратиш бўйича Ташкилотимиз доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш вақти келди.

Иккинчидан, соҳага инновациялар, замонавий билим ва илғор технологияларни жадал олиб кириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Учинчидан, ижобий тахрир-ба асосида, Туркий агрофорумини мунтазам ўтказиб бориш ва унинг иккинчи анжуманида “Смарт” қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасини ташкил этиш.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон тақлифи билан 2022 йил Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Ёшлар ташаббуслари кўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинган эди. Унинг доирасида Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлар пойтахти мақомига эга бўлди.

Ёш авлодни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган хайрли ишларимизни изчил давом эттириш ниятдамиз.

Келгуси йили юртимизда туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини ўтказишни тақлиф этаман. Унинг доирасида инновация ва таълим вазирлари, олийгоҳлар ректорлари ва ёш етакчилар, иқтидорли ўғил-қизларимиз, ташкилотимиз оқсқолларининг кенг қамровли учрашувларини ташкил этишни кўзда тутмоқдамиз.

Бу ишларимизга тизимли тус бериш ва натижадорлиқни таъминлаш мақсадида Ташкилот Бош қотибнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш айни муддао бўлар эди.

Яна бир устувор йўналиш — минтақамизда хавфсизлиқни ишончли таъминлашдир.

Сўнгги пайтларда жаҳоннинг турли нуқталаридаги зиддиятли воқеалар туркий дунёнинг умумий хавфсизлигига ҳам таъсир ўтказяпти.

Бундай мураккаб вазиятда терроризм, экстремизм, ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотрафика қарши курашиш, жамоат ва киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматларимиз доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳамкорлиқни кучайтириши лозим.

Шу билан бирга, Ташкилотимиз давлатлари Хавфсизлик кенгаши қотибларининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ташкил этишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшнимиз Афғонистондаги мураккаб вазикоти ўртасида кенг қамровли шериклиқни ўрнатиш муҳим.

Йиғилишимиз доирасида туркий дунё бирлигини мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшган буюқ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий номидagi халқаро муқофот биринчи марта тантанали равишда топширилиши барчамизни ҳечкиз қўвонтиради.

Мазкур муқофотни ҳар йили бериб бориш тўғрисидаги тақлифимизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш, ҳамкорлигимиз салоҳиятини тўлиқ ишлатиш, қабул қилинаётган қарорларимиз ва келишувларимиз ихросини таъминлаш энг долзарб вазифамиздир.

Ташкилотимиз доирасида жуда кўп тузилмалар ва турли механизмлар ташкил этилган бўлиб, қўллаб вазирилар даражасида йиғилишлар, бошқа тadbирлар ўтказиб келинмоқда. Лекин, очик тан олишимиз керак, буларни тизимли мувофиқлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш борасида ҳали анча иш қилишимиз керак.

Ташкилотимиз келгусида мутлақо янги, самарали тизим асосида ишлаши учун умумий сайёҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Ташкилотда институционал ишлoтлар ўтказишни тақлиф этамиз. Бунда, энг аввало, устувор йўналишларимиз бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирлар даражасида алоҳида кўмиталар тузишни тақлиф қиламан. Уларнинг фаолиятига эксперт ва олимлар, жамоатчилик ва хусусий сектор вакилларининг фаол жалб этилиши катта самара бериши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, Ташкилотимиз Котибятининг ўрни ва таъсирини кескин оширишни даврининг ўзи такозо этмоқда. У ҳар бир йўналиш бўйича

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Инсон қадри учун” деган эзгу тамойилни жамиятимиз ҳаётида тўла рўёбга чиқариш мақсадида кейинги вақтда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан мунтазам учрашиб, олдимизда турган вазифалар ва долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлашиб олиш ибратли аңганага айланди.

Жорий йилда сизлар билан ўтказилган мулоқотларимиз ҳам ҳар томонлама фойдали бўлди. Бунинг натижасида 2022 йилда соҳага оид йилгирмадан зиёд қонун, Фармон ва қарорлар ҳамда бошқа зарур меъриий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда сизларнинг фаол саъй-ҳаракатингиз билан тиббиёт хизмати бевосита маҳаллаларга, ҳар бир юрtdошшимизнинг хонадонига кириб бормоқда. Юқори малакали шифокорлар, олим ва мутахассислар жойларга чиққан ҳолда, оғир хасталиклардан азият чекаётган беморларнинг саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йил ҳудудлар бўйлаб ўтказилган саломатлик акциялари давомида юрtdошларимизнинг 210 минг нафари амбулатор ва 65 минг нафари стационар шaroитда соғломлаштирилгани салмоқли натижалардан бири бўлди. Биз бундай эзгу ва хайрли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашдек гоят муҳим вазифани адо этишда бирон-бир масалани эътибордан четда қолдириб, муаммоларнинг ечимини пайсалга солиш мумкин эмаслигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу сабабли, тиббиёт соҳасини ривожлантириш жараёнида, аввало, бу борадаги мавжуд муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириб, “инсон — жамият — давлат” тамойилини ҳаётга жорий этиш устувор масала бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги bosқинга кўтаришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Хусусан, биргина 2022 йилда жойларда 100 дан зиёд оилавий шифокорлик пункти, поликлиникалар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 1000 дан ортқ маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Натижада қўшимча равишда яна 3,5 миллион аҳолини бирламчи тиббий хизмат билан қамраб олишга эришилди.

Оилавий шифокорлар томонидан аҳолига бепул тарқатиладиган 70 хилдаги дори-дармонлар учун маблағлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 3 баробарга оширилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари замонавий ультраовуш, электрокардиограмма ускуналари, стоматологик ва жарроҳлик тўғламлари билан жиҳозланмоқда.

Оилавий поликлиникаларда кундузги даволаш ўринлари ташкил этилиши натижасида 740 минг киши шифохонага бормасдан, бевосита ўзи истикомат қилаётган маҳаллада

муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш мақсадида ушбу клиникаларга солиқ ва боғхона имтиёзлари берилиб, мажбурий туристик йиғимлар бекор қилинди ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга ружсат этилди.

Саломатлик посбонларининг оғир ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.

Яқинда соҳа ходимларининг ойлик маоши 30 фоизгача оширилиб, иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий этилгани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳали олдимизда бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам етарли эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу ҳақда гапирганда, тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлида бошланган ва ҳалқимиз саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалаларни таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Бугунги кунда беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда уларнинг танловига ҳурмат билан қараш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ана шу заруратдан келиб чиқиб, бундан буён тиббиёт тизимини “маблағни бевосита беморга сарфлаш” тамойили асосида молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратиладди. Яъни маблағлар тиббиёт муассасаларига умумий тарзда эмас, балки даволанган беморларга сарфланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда йўналтирилади.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг соғлигини асраб-авайлаш, уларни малакали тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш масалалари бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳурматли тиббиёт ходимлари! Соғлиқни сақлаш соҳасини тезкор ва самарали, халққили тизимга айлантириш йўлидаги ислохотлар жараёнида сизлар ўз зиммангиздаги масъулиятни шараф билан адо этиш учун бор билим ва маҳоратингиз, салоҳият ва тажрибангиз, азму шижоатингизни намоён этишингизга ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга қўт-баракат тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мўминов Хусанбой Нажимидинович — Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими болалар анестезиолог-реаниматологи, Андижон вилояти

Абдуҳакимов Шосайд — Қорақўл туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйи психиатри, Бухоро вилояти

Мухамедова Машкура — Республика қон қуйиш марказининг қон ва унинг компонентларини тайёрлаш бўлими трансфузиологи

Усманов Рустам Музаффарович — Тошкент шаҳридаги 3-юқумли касалликлар клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматологи

Хидиров Абдуракул Нурбаевич — Шахрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Қашқадарё вилояти

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Хакимова Зулфия Хурматовна — Тошкент туманидаги «Н.Боймуҳамедов» қишлоқ врачлик пункти мудири, Тошкент вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуллаева Дилором — Фаллаорол туманидаги 10-қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири, Жиззах вилояти

Абдухоликова Тўхтапошмо Нурматовна — Мингбулоқ туманидаги «Қўғалиқўл» оилавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Наманган вилояти

Ачилова Гулзора Сайидмуродовна — «Навоий» конметаллургия комбинати жамғармаси» давлат муассасасининг тиббий-санитария бўлими болалар юқумли касалликлар бўлими мудири, Навоий вилояти

Жумабаева Гулмира Уразимбетовна — Қўнғирот туманидаги 70-оилавий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Кахарова Дилором — Сурхондарё вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Рустамова Дилбара Урушовна — Боёвут туманидаги 7-оилавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Юсупова Мехрибон Қадамовна — Қўшқўпир туманидаги 23-оилавий поликлиникаси мудири, Хоразм вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Айтеков Бакир Шукриллаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимов Данияр Анварович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори

Алимова Ашира Урлоевна — Сирдарё туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернет уйи психиатри, Сирдарё вилояти

Алихожаева Назорат Арипходжаевна — Фурқат туманидаги «Йилгичка» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Фарғона вилояти

Арипова Матлуба Нартураевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Сурхондарё вилояти

Бустоновна Гулшода Аширралиевна — Учқудуқ тумани қўп тармоқли поликлиникаси дерматовенерологи, Навоий вилояти

Икратова Ирода Ташходжаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали катта ҳамшираси

Мадамонов Алишер Аскаревич — Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими травматологи, Қорақалпоғистон Республикаси

Норкузиев Шерали Сафаралиевич — Самарқанд вилояти қўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантациа бўлими мудири

Одилова Жамила Қиямовна — Қашқадарё вилояти перинатал марказининг реанимация бўлими ҳамшираси

Рўзметова Хаитжон Қаландаровна — Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Хоразм вилояти

Рустамов Бахромкул Суёнович — Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционисти, Жиззах вилояти

Султанова Дилбар Ҳамидуллаевна — Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг функционал диагностика бўлими шифокори

Суёмов Азамат Сайфуллаевич — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг қон томир хирургияси ва бўйрак трансплантацияси бўлими жарроҳи

Хафизова Тўхтагон Яхяевна — Бухоро вилояти қўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлими шифокори

Хўжамбердиев Абдусалом Убайдуллаевич — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали юрак-қон томир хирургияси бўлими мудири, Наманган вилояти

Шаробидинов Фохриддин Ривожиддинович — Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими «Шаханд» шохобчаси шифокори, Наманган вилояти

Юлдашев Абдулазиз Абдумаликович — Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

Якубов Одилжон Назирович — Андижон туманидаги «Ҳақиқат» оилавий шифокорлик пункти катта фельдшер, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Азизова Дилбар Басатовна — Наманган вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Аллазов Феруз Ниязович — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали патоморфология бўлими мудири, Самарқанд вилояти

Димитрова Татьяна Ивановна — У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси катта ҳамшираси

Искандарова Сайёрахон Муталибовна — Кувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг қон қуйиш бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Капнов Сапарбай Уразбаевич — Чимбой тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, Қорақалпоғистон Республикаси

Прудаскова Татьяна Николаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали терапия бўлими кардиологи, Жиззах вилояти

Хайматов Йўлчиғой Ёрматович — Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Тошкент вилояти

Шарапов Сайпулла Эркаевич — Миришкор туманидаги «Чандир» қишлоқ шифохонаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Юғай Игорь Александрович — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази нейрохирурги

Юсупова Батес Аденбаевна — Тошкент тиббиёт академиясининг қўп тармоқли клиникаси болалар аллергияневрология бўлими кичик тиббий ходими

«Соғлом турмуш» медали билан

Ашурова Манзурахон Джалолдиновна — Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг овқатланиш, болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедраси мудири, Фарғона вилояти

Жалилов Шукриллажон Худойбердиевич — Андижон шаҳридаги «Соғлом турмуш» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

«Шўхрат» медали билан

Абдиев Кадам Атабаевич — Урганч тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшер, Хоразм вилояти

Журалиев Музаффар Журалиевич — Болалар миллий тиббиёт марказининг кардиология бўлими шифокори

Каримов Журабек Сунатуллоевич — Самарқанд вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокор-сурдологи

Муйдинов Жавлонбек Иброхимович — Фарғона вилояти болалар қўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Муртазаев Жасур Бобоназарович — Қарши шаҳридаги «Невромед шифо маскани» хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мухаммадиева Лазиза Яркуловна — Олмазор тумани тиббиёт бирлашмасининг туманлараро фтизиатрия диспансери фтизиатри, Тошкент шаҳри

Насриева Дилафрўз Савриддиновна — Вобкент туманидаги «Д.Бобоқулов» оилавий шифокорлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Нуруллаев Нисбатулло Насруллоевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиали кардиотерапевтик реанимация бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Рахимов Шерзодбек Алишерович — Андижон туманидаги «Malika laboratories» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Рахманова Дилбар Ибрагимовна — Республика махсус 1-Зангиота шифохонасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори

Абдусаматов Шовкат Абдумухторович — Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Авазов Равшонбек Наримович — Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

Ишмухамедов Хасан Тишабаевич — Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ҳайдовчиси

Камалов Косимбек Жамалович — Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қосимов Исоиддин Масақулович — Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Набиев Абдумалик Муйдинович — Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Наманган вилояти

Назаров Ариф Бекназарович — Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

Назаров Панжи Холлиевич — Қўқдала тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

Рахматов Шўхрат Хошимович — Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

Ўринов Ёқубжон Жўраевич — Қорақўл тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Бухоро вилояти

Хамидуқлов Бахром Саидович — Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Шарипов Рустам Абдурахимович — Бойсун тумани тиббиёт бирлашмасининг «Дарбанд» ҳудудий тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Эгамназаров Шокир Нормуротович — Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

Юсупов Баҳодир Темирович — Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Андижон вилояти

Тўймуродов Зафар Мардиевич — Қўшрабат тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг санитария-гигиена лабораторияси шифокор-лаборант, Самарқанд вилояти

Холбоев Улуғбек Бобоярович — Сурхондарё вилояти қўп тармоқли тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими мудири

Хушвақтов Ўткир Шоназарович — Навоий вилояти қўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 ноябрь

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДА



Мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси Тиббиёт ходимлари кўни сифатида кенг нишонланади. Бу беҳиз эмас, албатта. Инсон соғлиғини тиклаш ва асраш сермашаққат ҳамда залварли меҳнат ҳисобланиб, шифокордан нафақат катта билим ва салоҳият, жасорат ва матонат, балки юксак меҳр-муҳаббатни ҳам талаб этади. Шу боис эғнидаги либоси каби қалби ҳам оқ ва покиза инсонларга юрtdошларимиз алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимиз шифокорлар тимсолида ўз ҳаётини улуг ва масъулиятли ишга бағишлаган, эл-юрт саломатлигини асраш йўлида бор билим ҳамда тажрибаси, истеъод ва маҳоратини сафарбар этиб келаётган шарафли касб эгаларини қўради ҳамда уларнинг машаққатли меҳнатини доимо муносиб қадрлайди.

Мамлакатимиз тарқиқётининг янги даврида барча соҳа қатори соғлиқни сақлаш тизимини ҳам замон талабларига мос тарзда ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилляпти. Соҳага илгор тамойилларни, усул ва услубларни жорий этиш баробарида, саломатлик посбонларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шaroитлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Соҳа вакилларининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари айнан шу ҳақда.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД ОИЛА БАХТИ

Махфуза ҲАМРОЕВА,
Навоий вилояти Она ва бола скрининг маркази директори, II даражали «Саломатлик» ордени соҳибчи:

— Шифокор сифатида эғнимга оқ халат кийганимга яқинда 34 йил бўлди. Меҳнат фаолиятим деярли тўлиқ оилалар қувончи — фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ. Инсоннинг туғилиши — борлиқнинг байрами, деб беҳиз айтишмаган. Шундай дейман бирок туғуруқхона шифокори сифатида иш бошлаган йилларда тиббиётимиз ва биз, шифокорларнинг аҳоли ёдимга тушса, ҳали-ҳамон юрагим ортга тортиб кетади. Оналар ва болалар ўлими, майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келиши, туғуруқ пайти ва ундан кейинги асоратлар

мисли қўрилмаган даражада қўп эди. Бугун у кунлар қўрқинчли тушдек унутилди. Мамлакатимизда “Соғлом авлод”, “Она ва бола” дастурларининг қабул қилиниб, она ва бола скрининг марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши ва нихоят сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар миллат генофондининг муттасил яхшиланиб боришига замин яратди. Натижада бугун фарзандларимиз соғлом туғилиб, ўз ақлий, жисмоний салоҳиятлари ва муваффақиятлари билан миллат гурурига айланмоқда. Тиббиётимизнинг энг илгор технологиялар билан

жиҳозланиб, ҳудудларда ҳам мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга оширишининг ўзлаштирилиши, пировард натижада мамлакатимизда ўртача умр кўриш даражасининг ошишига олиб келди. Одамларимизда соғлиқни сақлаш тизимига ишонч ва ихлос кўн сайин ортиб бормоқда. Албатта, мазкур натижалар нафақат аҳолимиз, балки бизнинг ҳам қувончимизга қувонч қўшиб, дилимизда касбимизга нисбатан меҳримизни юксалтирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътиборнинг самараларини юрtdошларимиз билан бирга, биз, шифокорлар ҳам ҳар доим ҳис этиб турибмиз. Яратилаётган шарт-шaroитлар, кўрсатиллаётган рағбат ва эътибор билим ҳамда салоҳиятимизни оширишга уңдайди.

ДАРАХТ ИЛДИЗИДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Қобилжон МЎМИНОВ,
Балиқчи туманидаги 13-қишлоқ оилавий поликлиникаси шифокори,
II даражали «Саломатлик» ордени соҳибчи:

— Биласизми, 35 йиллик хизмат фаолиятим давомида турли шaroитни кўрдим. Ортада қолган йиллар биз учун ҳақиқий матонат синови, касбий маҳорат имтиҳони, зимманиздаги масъулиятга нисбатан муносабат ифодаси даври бўлди, десам, хато эмас. Тан олиш керак, беморларга ҳар доим ҳам қулай шaroитда хизмат кўрсата олмадик. Қишлоқ врачлик пунктимиз 1965 йилда қурилгани боис бугунги кун талабига жавоб бермас, аксига олиб тиббий жиҳозларда ҳам баззи етишмовчиликлар қузатилади. Ана шундай пайтларда ҳам-қишлоқларимиз туман ёки вилоят марказидаги тиббиёт муассасаларига му-

рожаат қилишлари, гарчи дилимизни ранжитса-да, ўз устимизда қўпроқ ишлаб, тажриба орттириб, эл дардига дармон бўлишга, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳам ундарди...

Сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт соҳасига бўлган эътибор ҳар доимгидан ортди. Айниқса, чекка ҳудудларда аҳоли саломатлигини асраш, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволашни ташкил этиш, шакллантириш мақсадида хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, бизнинг қишлоқ врачлик пунктимиз жорий йилда 13-қишлоқ оилавий поликлиникасига айлантирилди. 4 млрд. сўм маблағ ҳисобига 150 ўринли поли-

клиника биноси қурилиб, унда энг замонавий шарт-шaroитлар яратилди. Бу нафақат қишлоқ шифокорлари, балки “Халфа”, “Насриддинобод”, “Маллачек”, “Навиқол” МФЙда истикомат қилувчи 10 минг нафардан зиёд аҳоли учун ҳақиқий соғва бўлди. Айни пайтда 38 нафар шифокор ва ҳамширалардан иборат жамоамиз ҳамқишлоқлар саломатлиги йўлида бор қуч ва тажрибаларини ишга солмоқда.

Дарахт илдиизидан қувват олгани каби ҳар қандай ислохот ҳам қўлгани бошланиши мақсадага мувофиқдир. Мамлакатимизда қишлоқ ҳудудларда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга бўлган эътиборнинг бугунгидек юқори намунаси тиббиётдаги ислохотлар самарасидир.

ҲУДУДЛАРДА МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ

Хондамир МАМАДАЛИЕВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали кардиожарроҳи:

— Яқин йилларгача ҳудудларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказиш гўёки хоҳмаёл эди. Тиббиётдаги ҳаётбахш ислохотлар самараси тўфайли эндиликда бу ҳаётли ҳақиқатга айланди.

Биргина жорий йилнинг ўзида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида илк бор тўхтаб турган юракда аорта клапа-

нини протезлаш жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ва яна таъкидлаш ўринлики, бу йил Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказидан етакчи кардиожарроҳлар жалб этилиб, тўққиз нафар беморда аорта-коронар шунтлаш операциялари муваффақиятли амалга оширилди. Шунингдек, тўрт нафар беморда коротид эндартеректомия жарроҳлик

амалиётлари муваффақиятли бажарилди. Яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. Уйқу артериясини атеросклероздан тозалаш — анчагина мураккаб муолажа. Бунинг учун беморнинг бўйин қисми жарроҳлик йўли билан очилиб, бош миёга кетган артериял қон томирлари холистериндан тозаланади. Эътиборлиси, жорий йилда бундай мураккаб операция Фарғонада илк бор ташкил этилди.

ҚЎШИМЧА АХБОРОТ
КИРИТИЛИШИГА
КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси йиғилишида махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) фаолияти самарадорлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.



Мажлистан кўзланган мақсад МИЗ фаолиятини ўрганишнинг оралик натижаларини муҳокама қилиш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Унда сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, қўмита экспертлар кенгаши аъзолари, мамлакатимиздаги барча махсус иқтисодий зоналар дирекциялари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакилларининг МИЗ фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўйилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди ва ишчи гуруҳ томонидан бажарилган ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, юртимиздаги МИЗ фаолияти самарадорлигини ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш, қўнунчиликни янада такомиллаштириш борасида Сенат ва тегишли вазирликлар, идоралар ҳамда фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шакл ва механизмлари кўриб чиқилди.

Яқунда тегишли идоралардан аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифлар билан қўшимча ахборот кiritилишига келишиб олинди.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ
ИЖРОСИ
ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиклини таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, қўмита экспертлари, Ҳукумат аъзолари, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари масъуллари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Унда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этилган давлат дастуридаги махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўйилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди ва ишчи гуруҳ томонидан бажарилган ўрганиш натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан Ҳукуматга Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси назоратини янада кучайтириш лозимлиги ҳамда ҳисобот йили сўнгига қадар уларнинг тўлиқ бажарилишига доир таклиф ва қўриқлар берилди.

Сўнгра "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига махсус зоналарнинг ҳуқуқлари ва қўнунли манфаатларини ишончи ҳимоя қилишга қаратилган ишлаб чиқилган мазкур қонун мазмун-моҳияти ҳақида вазирлик вакили томонидан атофлича тушунтириш берилди. Жумладан,

ушбу ҳужжат билан Ҳукуматнинг махсус зоналарга ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш уларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартиби белгиланган.

Қонун билан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар сақланган колониялардаги тураржойлар махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиши кераклиги назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, махсус зоналарга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриinsonий ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёхуд жазо турлари қўлланилишига йўл қўйилмаслиги Жиноят ижроия кодексига мустақамлаб қўйилмоқда.

Тадбирда қўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Унда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши назарда тутилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг жорий йил 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокама қилинди.

Келтирилганидек, дастурининг 398 та банди тошхирлар кесимида 607 та яхлит ва кичик бандларга тақсимланган ҳолда таҳлил қилинган, 233 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилиши. Ҳисобот даврида 219 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Дастурнинг 292-бандида маийши чикиндиларни йиғиши 100 фоизга, уни қайта ишлаш даражасини 21 фоиздан 50 фоизга етказиш вазифаси белгиланган бўлиб, бунда "Қаттиқ маийши чикиндиларни барқарор бошқариш" лойиҳаси доирасида жами 300 та махсус техника харид қилиш юзасидан тендер савдолари ўтказилиши назарда тутилган бўлса-да, лекин бундай маълумотлар тақдим этилмаганилиги сенаторлар томонидан танқид қилинди.

Тадбирда Қашқадар вилоятида чорвачилик ва ипакчилик соҳасида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш натижаси ҳам таҳлил қилинди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ

Пойтахтимизда 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг ҳудудий кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, турли ташкилот ва идоралар, вазирликларнинг мутасаддилари, нурунийлар, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Шукур

Дастлаб Тошкент шахри марказидаги юртимиз маданияти ва санъатида ўзига хос ўрин тутган тарихий бино неғизда қайтадан барпо этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари саройининг очилиш маросими ўтказилди.

Тадбирга йиғилганлар Ўзбекистон касаба уюшмалари саройидаги улкан бунёдкорлик ва нозик дид ила амалга оширилган пардозлаш ишлари билан танишар экан, ушбу масканнинг янги тарихда мамлакатимизнинг муҳим маданий маркази бўлгани, аммо орадан вақт ўтиб ўзоқ йиллар эътибордан четда қолгани, эндиликда эса Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилиб, янгидан ҳаёт бахш этилганини тўлиқлашиб гапирди.

Амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида тарихий қоша на яна халқимизга қайтарилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи сифатида иш бошлаётгани алоҳида эътироф этилди. Сарой бўйлаб экскурсия жараёнида ушбу маскан тарихига, олдинги ҳолати ва бугунги қиёфасига оид фотокўргазмалар билан танишилди.

Шундан сўнг қисқа вақт ичида ўзининг асл сийратига мос равишда янгидан замонавий маданият ва санъат маскани сифатида қайта тикланган мазкур қошада тақчил этилган тантанали байрам тадбирини Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ижросидаги мусика садолари бошлаб берди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни муносабати билан Касаба уюшмалари ходимлари ва аъзоларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз табригида таъкидланганидек, "Инсон қадри учун" ғоясини умуммиллий ҳаётга айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, бугун Ўзбекистон касаба уюшмалари ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқот тамойиллари асосида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитларини яратиш йўналишлар

рида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Сирасини айтганда, юртимиздаги янгилаш ва ўзгаришларда янги Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат Президентимизнинг табригида 11 ноябрь —

фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнатини эътироф этиш аянанага айланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари кўнига бағишланган тантанали байрам тадбирида элу юрт равнақи йўлида бор имкониятларини ишга солиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, кўп йиллик илгор иш тажрибасига эга бўлган инсонларни эъозлаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга оширилган турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар қўлиблари тақдирланди.

Дастлаб "Энг намунали стационар болалар оромгоҳи" сифатида эътироф қилинган оромгоҳларга мукофотлар, шунингдек, "Болалар оромгоҳини намунали ташкил этган корхона", "Болаларнинг ёзги соғломлаштириш масумини наму-



3,5 баробаридаги пул мукофоти ҳамда гувоҳнома берилди.

Утган йили "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати" мукофоти таъсис этилган эди. Тантанали тадбирда ушбу мукофот ҳам ўз эгаларига топширилиб, совриндорлар "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати" кўкрак нишони, диплом ва мукофотлар билан тақдирланди.

Шундан сўнг Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар, Даволаш-профилактика марказида фаолият кўрсатиб, даволаш усуллари ва хизмат кўрсатиш сервисини жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириб келаётган фидойи ходимлар "Энг яхши шифокор", "Энг яхши ҳамшира", "Энг яхши пазанда", "Энг яхши санаторий" номинациялари бўйича рағбатлантирилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлари ҳамда тизимдаги ташкилотларда алоҳида фаоллик кўрсатган илгор ходимларга "Энг яхши қурилиш ташкилоти раҳбари", "Энг яхши қурувчи", "Энг яхши муҳандис", "Энг яхши қурилиш назоратчиси", "Энг яхши лойиҳачи", "Энг намунали қурилиш ходими", "Энг яхши ўқитувчи", "Энг яхши журналист", "Энг яхши ҳудудий муҳбир", "Энг яхши спортчи" номинациялари бўйича мукофотлар берилди.

"Аёллар дафтери"га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, кредит олиши ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига амалий ёрдам бериб, фидокорона меҳнати билан барчага ўрнак бўлаётган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республика миқёсида бир қатор танловлар ўтказиб келинган.

Хусусан, "Энг яхши маҳалла раиси", "Энг яхши сектор раҳбари", "Энг намунали иш берувчи аёл", "Энг яхши ҳоким ёрдамчиси", "Энг яхши ёшлар етакчиси", "Энг яхши

Раҳим ШЕРҚУЛОВ

(«Халқ сўзи»).

Ақил МУҲАММАДОВ олган суратлар.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТГА ДОИР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАНДИ

Фарғона вилояти ҳокимлигида янги тахирридаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинар ўтказилди.



Тарғибот

Парламент қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, Сенат аъзолари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган семинарда янги Кодекснинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқни қўлловчиларга тушунтириш, унинг ижросини таъминлаш каби устувор масалалар муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар натижасида ҳаётимизнинг барча соҳасида ўзгаришлар юз бераётганини, Харакатлар стратегияси, ундан сўнг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда инсон ва унинг қадрини улуғлаш, меҳнатини қадрлаш, одамлар турмуш даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида бошқа мамлакатларда учрамайдиган, умуман, янги амалиётлар ҳаётимиздан ўрин эгалламоқда. Жумладан, давлатимиз шаҳарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли, халқ билан мулоқот қилишнинг ўзига хос амалиётига асос қилинди. Давлат идора-

лари фақат халқ учун, халқнинг манфаати учун ишлаши тўғрисидаги принципал қоида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Эндиликда ҳар бир соҳа вакиллари ўз иш усулини тубдан ўзгартириб, фақат халқ манфаатидан келиб чиқиб фаолият олиб бормоқда. Давлат бошқаруви тизими тубдан ислох қилиниб, давлат идораларининг вазифалари мақбуллаштирилмоқда, фуқароларга хизмат кўрсатишда янги тузилмалар ташкил этилмоқда.

Қўйи палата Спикери айтганидек, мамлакатимизда демократик ислохотлар жадаллаштирилди. Ислохотлар давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳасини қамраб олди. Қонунлар устуворлигини таъминлашда қўн натижаларга эришилди. Одамлар қонун асосида яшаш ва ишлашга ўтди.

Айниқса, мамлакатимизда мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилгани жаҳон ҳамжамиятида катта резонанс берди, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини янада оширди. Бунинг эътирофи сифатида халқаро Нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси ("Cotton Campaign") Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди.

Давлат ва жамият ҳаётига дахлдор ҳар қандай масала, энг аввало, халқимизнинг фикри, талаб ва истакларини эътиборга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Одамлар жамият ҳаётига

доир долзарб масалалар бўйича ўз фикрларини эркин билдирмоқда. Уларини ўйлантираётган муаммоларини очик айтмоқда. Масъуллар томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари қўрилаётгани эса кенг кўламли ислохотларнинг фуқаролар ҳаёт тарзига янада чуқур кириб боришига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда жамият ҳаётида вакиллик органларининг ҳам ўрни ва роли кескин қуцади. Депутатлар корпуси халқнинг ҳақиқий вакиллари, сайловчилар хоҳиш-иродаси ва манфаатларининг чинакам ифодачисига айланмоқда.

Бугунги кунда Қонунчилик палатаси фаолиятида фуқароларни қўйиб келаётган масалаларни тез фурсатларда ҳал этишга, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва аҳоли манфаатларини қонун лойиҳаларида акс эттиришга устувор аҳамият қаратишмоқда.

Жумладан, қонун ижодкорлиги соҳасида "Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт" деган устувор тамойил асосида иш олиб боришмоқда. Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ҳар жиҳатдан мукамал ва халқчил бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор берилляпти. Қонун лойиҳалари қўйи палатага киритилишига қадар халқ муҳокамасига қўйилиб, улар юзасидан аҳолининг муносабати ҳар томонлама ўрганилляпти.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизга янги тармоқ ва йўналишлар кириб келди. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Кишлоқ ҳўҳаллигида илгари умуман бўлмаган янги институтлар — кластер ва кооперациялар пайдо бўлиди. Натижада иш берувчилар сони кескин ошиб, меҳнат бозорига янги соҳа қадрларига бўлган эҳтиёж қундан-қунга қучаймоқда. Бундан ташқари, охириги йилларда меҳнат муносабатларига нисбатан янгича ёндашувлар юзага келмоқда. Ҳатто ҳисмоний шахсларга ҳам иш берувчи мақоми берилди.

Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг ишлаб, даромад топишлари учун

қўшимча имкониятлар яратилаётир. Ўзини ўзи банд қилиш, репетиторлик хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, 70 га яқин фаолият турлари даромад солигидан озод қилинди. Бу, ўз навбатида, Меҳнат кодексини бугунги кун талаблари асосида янгилаш, фуқароларимизнинг меҳнатда доир ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашни тақозо қилди.

Шундан келиб чиқиб, Меҳнат кодексини тайёрлаш жараёнида Қонунчилик палатасида салмоқли ишлар олиб борилиб. Лойиҳа қўйи палатада жуда чуқур таҳлил этилган ҳолда ишланди. Юқори палатада ҳам қизгин муҳокама қилинди ва Президентимиз томонидан жорий йилнинг 28 октябр кўни имзоланди. Янги тахирридаги Меҳнат кодекси илгаригисидан ҳажм жиҳатдан 2,5 баравар катта бўлиб, унга муҳим аҳамиятга эга бўлган қўллаб янги нормалар киритилди.

Семинарда сўз олганлар ушбу ҳужжат мазкур соҳадаги қатор муаммоларга, меҳнат бозоридagi вазиятни инобатга олиб, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, қонуний ечим топишда, фуқаронинг ишлаган ишига, иш берувчи эса киритган сармоясига муносиб тарзда эътибор ва рағбатга эга бўлишини кафолатлайдиган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этдилар. Қолаверса, янги Меҳнат кодекси фаол иқтисодиёт шaroитида меҳнат бозорининг самарали иш-лашини таъминлашга замин яратишини билдирдилар.

Янги тахирридаги Меҳнат кодексининг тарғиботида бағишланган тадбирлар вилоятнинг бир қатор туманларида ҳам ташкил этилиб, уларда депутатлар, сенаторлар, тегишли вазирликлар, идоралар вакиллари Кодекснинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини фуқароларга етказди.

Семинарда фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ходимлари томонидан берилган саволларга депутатлар, олимлар батафсил жавоб қайтарди.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахирриятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахиррият компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Муасхўх — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6